

International Congress on Economics, Management and Business Studies
Hosted Online from New York, USA
Date: 23rd October, 2026
Website: https://econferencia.com

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ТУРИСТИК САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ГИД ТАРЖИМОНЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ АҲАМИЯТИ

Махмудов Собир Худойбердиевич
СамИСИ “Туризм” кафедраси доценти

Аннотация
Мақолада гидлар тарихий-маданий мерос бойликларини тарғиб қилишда, туристларда моддий ва маданий меросимизга катта қизиқиш уйғотишда, туризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда муҳим рол ўйнаши, шу сабабли гид мутахассисларини тайёрлайдиган марказларда маҳорат курсларини ташкил этиш тавсия қилинган.

Калит сўзлар. Тарихий-маданий мерос, гид таржимон, туризм, самарадорлик, туристик салоҳият, цивилизация, маҳорат курси.

Маълумки, гидлар ҳудуднинг тарихий-маданий мерос бойликларини тарғиб қилишда, туристларда моддий ва маданий меросимизга катта қизиқиш уйғотишда, уларнинг хотирасида ўчмас из қолдиришда, шунингдек туризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда ҳам жуда муҳим рол ўйнайди. Гидлар ҳар бир туристга нисбатан кучли эътиборда бўлиши, саёҳат дастурига қаратилган объектлар тўғрисида бой ва чуқур билимга эга бўлиши, саёҳатчиларга қизиқарли ва ишончли гапириб бериш санъатига эга бўлиши, саёҳатчининг диққат-эътиборини торта билиши, саёҳатни унумли ташкил этиши керак. Табиийки, сайёҳлар гидлардан имкон қадар кўпроқ нарсани билиб олишни, ўзида туғиладиган ҳар бир саволга тўла ва мазмунли жавоб олишни истайди. Гид маҳоратли, айниқса, Самарқанд вилояти, унинг тарихи ва маданияти, халқнинг урф-одатлари, анъаналари,

тарихий-маданий мерос ёдгорликлари, минтақада содир бўлаётган катта ўзгаришлардан, барча соҳада амалга оширилаётган ижобий жараёнлардан яхши хабардор бўлишини тақозо этилади. Касбий маҳорати кучли гид чиройли ва тушунарли тилда ўз фикрини ифодалай олиши, хушмуомалали, сабрли ва ўта маданиятли бўлиши керак.

Дарҳақиқат, гид-экскурсоводлар хориж тилларини мукаммал билиши табиий. Бироқ гид-экскурсоводлар учун хорижий тилларни билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ёки аксинча, гид-экскурсоводлар тарихий-маданий объектларни яхши билса-ю, уни тушунтиришда хориж тилидаги сўз бойлиги етишмаса сайёҳатчиларга мамлакат тарихини ва миллий қаҳрамонлар ҳақидаги маълумотларни тўлиқ, қизиқарли даражада етказиб беролмайди. Гид мутахассисиларида эса айнан икки жиҳат, яъни хорижий тилларни билиш ва тархий-маданий объектларни тушунтириш, тарихий шахслар ҳақида гапириб бериш, урф-одатларни кўрсатиб бериш маҳорати ўзаро мужассамлашган бўлиши лозим. Гид-экскурсавод ташриф буюрувчи сайёҳларга тарихи бир неча асрларга бориб тақаладиган ноёб тарихий-маданий меросимиз ва диққатга сазовор анъаналаримиз тўғрисида ҳикоя қилиб бериш билан чекланибгина қолмасдан, балки уларда акс этган тарихий-маданий бойлигимиз тўғрисида чуқур ва ўчмас таассурот қолдириш, юртимизга нисбатан ҳурмат-эътибор ва меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш қобилиятига эга бўлиши ҳам керак. Шунингдек, гид-экскурсавод саёҳатчиларга хизмат кўрсатиш жараёнида фавқулодда ҳолат юз берганда (масалан, аъзолардан кимдир бетоб бўлганда) саёҳатчига тез ёрдам кўрсатишни ташкил этишга ҳам тайёр бўлмоғи, кези келганда унга биринчи ёрдам ҳам кўрсата билмоғи лозим.

Бизларда гид-экскурсоводларимиз, асосан, хорижий филологияни тугатган мутахассислардан иборат. Шу сабабли, гид мутахассисларининг тарихий-

маданий объектлар ҳақида, миллат қахрамонлари тўғрисида хорижий ва маҳаллий сайёҳларга бераётган маълумотлари уларни қониқтирмаяпти. Бунинг натижасида, туристлар тарихий-маданий объектларга саёҳат қилиш учун кам вақт ажратяпти.

Ушбу соҳа мутахассисларини тайёрлаш усуллари ва уларнинг билимига жамият томонидан билдирилаётган талаб даражаси ўртасидаги фарқларни бартараф этиш чораларини излаб топиш муҳим. Шу мақсадда айрим таклиф ва мулоҳазаларимизни асослаб бермоқчимиз.

Республикамизда гид мутахассисларини тайёрлайдиган, уларнинг малакасини оширадиган марказлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Туризм соҳасида кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2019 йил 23 мартда №2530-сонли қарори қабул қилинди. Қарор асосида гид - экскурсия етакчиси ва йўриқчи - кузатувчиларга малака тоифасини жорий этиш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш мақсадида «Гид-экскурсия етакчиси ва йўриқчи-кузатувчиларга малака сертификатларини бериш тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Низомга мувофиқ Олий таълим муассасалари қошида нодавлат унитар корхоналари лицензия асосида фаолият юритувчи нодавлат таълим муассасалари, ўқув марказлари қайта тайёрлаш тўғрисида гувоҳнома ва малака ошириш тўғрисида сертификат беришлари мумкин. Ҳар бир гид 72 соат ҳажмдан кам бўлмаган малака ошириш дастурлари бўйича ҳар уч йилда бир марта малака курсларини ўтишлари белгиланган. Ушбу марказлар гид мутахассисларга фақат тил билишни, туристлар билан ишлашни ва уларни жалб этишни, хорижий ва маҳаллий сайёҳларга мамлакатимиздаги тарихий-маданий туристик объектларни тушунтиришни ўргатишади. Бизнингча, гид мутахассисликларини тайёрлаш тизимини тубдан яхшилаш

керак. Гидлар малакавий маҳоратини ошириши бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари гид-экскурсаводлар вилоят ҳудудидаги тарихий-маданий объектлар ҳақида маълумотларни қизиқарли қилиб тушунтириш бўйича малакавий маҳоратини ошириши зурурлиги уларнинг эътиборидан бироз четда қолаётганлигини кўрсатди. Ваҳоланки, тарихий воқеликни истеъмолчиларга тушунтиришда маҳорат элементи катта рол ўйнайди. Айниқса, тарихий шахсларнинг жасоратини, тарихий объектларнинг қурилиш жараёнлари тарихи ва тафсилотларини, уруш ҳолатларини ва ундан кўрилган талофатларни, изтиробларни тушунтириши муҳим аҳамиятга эга.

Гид-экскурсаводлар хорижий ва маҳаллий сайёҳларга тарихий-маданий объектлар ҳақида, тарихий шахслар тўғрисида ҳаммага маълум бўлган тингловчиларда жуда чуқур таассурот ва ҳавас уйғотишга қодир бўлмаган маълумотлар билан тушунтириб беради. Тарихий-маданий объектлар тўғрисидаги умумий маълумотлар дарсликларда ҳам берилади. Ўқувчи уни дарс вақтида ўқитувчисидан эшитади. Шу сабабли, маҳаллий сайёҳларнинг кўпчилиги гид мутахссислар хизматларидан деярли қониқиш ҳосил қилмайдилар. Хорижий сайёҳлар ҳам тарихий-маданий объектлар ҳақида умумий маълумотларни интернет ресурслардан ўқиб олиш имконлари мавжуд. Вилоятга келган хорижий ва маҳаллий сайёҳлар ташрифи чоғида Самарқанднинг бой тарихий ва маданий объектларини кўриш, улар билан яқиндан танишиш, тарихий ёдгорликлар ҳақида қизиқарли маълумотларни эшитишни, билиб олишни истайдилар.

Янги тарихий-маданий туристик объектларининг кашф этилиши гид-экскурсаводлар тарихий-маданий объект тўғрисидаги маълумотларини бойитиб боришда муҳим рол ўйнайди. Бу, ўз навбатида, турфирмалар

томонидан янги турмаршрутларини шакллантириш имконини беради. Маълумки, тарихий-маданий туризм узоқ ўтмишдан то ҳозирги кунларгача босиб ўтган ҳаёт йўлини, авлоддан-авлодга мерос қолувчи, доимо ривожланиб, бойиб борувчи, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий, давлат қурулиши соҳаларидаги тажрибаларини, халқларни етаклаган тарихий шахслар тўғрисидаги маълумотларни билишдан иборат. Ҳар бир халқ ўзининг узоқ ва бетакрор тарихига эга бўлганидек, ўзбек халқининг тарихи ҳам бой ва сермазмундир. Самарқанд турли тарихий ёзма ва археологик манбаларга кўра, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Миср, Рим каби қадимий ва буюк мамлакатлар қатори дунёга машҳурдир. У қадимги Рим шаҳрининг тенгдоши. Қадимги даврда, хусусан, Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да Самарқанд қадимги Сўғдиёна давлатининг пойтахти сифатида тилга олинган. Самарқандга асос солинган вақтда Ўрта Осиёда Сўғдиёна, Бақтирия, Хоразм каби давлат ва тамаддунлар пайдо бўлгани манбаларда битилган. Қадимги Рим ва Юнонистон тарихчиларининг асарларида у илк бор Мароқанд (юнонча- маракауба) номи билан тилга олинган. Хусусан, Квинт Курций Руф, Арриан, Страбон ва Александр Македонскийнинг бошқа биографлари милоддан аввалги 329 йилларда Мароқанд тўғрисида ёзиб, уни ривожланган ва мустаҳкам шаҳар сифатида тасвирлашган (ҳунармандчилик ривожланган, маданият ва савдо маркази бўлган бу шаҳар миллодан аввал 328 йилда Александр Македонский томонидан босиб олинган)[1].

Самарқанд жаҳон тарихининг турли халқлар цивилизациялари туташган энг жўшқин чорраҳаларидан бири сифатида бутун инсоният тарихининг

[1] Мухаммедов М.М. Экономическая история Узбекистана: от эпохи Тимура до наших дней. – Т.: «Tafakkur bo'stoni» нашриёти, 2019. – Б.10.

шаклланишига маълум даражада таъсир кўрсатган. Шу билан бирга, аждодларимиз ҳаётига бошқа халқлар цивилизацияларининг ҳам таъсири бўлди. Мана шу дунёга машҳур тарихий воқеаликлар хорижий ва маҳаллий сайёҳларни қизиқтириши, уларнинг эътиборини жалб этиши табиий. Бироқ бу ҳақдаги маълумотлар ҳанузгача оммавий шаклга келмаганлиги боис, китобларда ўз аксини топмаган.

Хорижлик туристларда Самарқанд, унинг тарихий воқеликларга бой ўтмиши ҳақида катта қизиқиш уйғотиши учун муҳим маълумотлар буклет шаклида тайёрланиб, кўп тилларга таржима қилиниши ва турли мамлакатларга кенг ёйилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу буклет хорижлик фуқароларда Самарқанднинг бетакрор тарихи, обидалари, маданияти, бугунги ҳаёти тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш ва саёҳатга келишига қизиқиш уйғотадиган даражада мукаммал ва равон тилда ёзилган бўлиши лозим.

Буклетда Самарқанднинг пайдо бўлиш ва ривожланиши тарихи, Александр Македонский, Ислом динининг кириб келиши, мўғуллар томонидан босиб олиниши, Амир Темур империяси, Чор Россияси томонидан босиб олиниши, Советлар давридаги ҳаёти, мустақиллик давридаги ҳаёти тўғрисида қисқача маълумот ўз аксини топмоғи лозим. Буклетда Самарқанднинг барча музейлари, уларнинг манзиллари, иш тартиби, миллий истироҳат боғлари, тарихий обида ва ёдгорликлари тўғрисида маълумотлар жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Умуман олганда, гид-экскурсаводларнинг туристик ресурслар салоҳиятидан унумли фойдаланишда роли жуда катта. Шу сабабли, гид-экскурсаводларнинг малакасига талабларни белгилаш, уларни тартибга солиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Тадқиқот натижаларидан келиб

чиқиб, гид-экскурсаводларнинг малака талаблари таркибига қуйидагиларни киритишни лозим деб топдик:

1.Мутахассислигини тасдиқловчи ҳужжат (диплом, сертификат, гувоҳнома);

2. Нутқ маданияти, фикрларни мантиқий кетма-кетликда, аниқ ва равон, қизиқарли ва тушунарли тилда ҳикоя қилиш қобилияти;

3. Кийиниш маданияти, ёқимли ташқи кўриниши, атрофдагилар билан алоқа ўрнатиш қобилияти;

4. Гуруҳ ишини қатъий режа асосида ва белгиланган кетма-кетликда ташкил этиш ва гуруҳни бошқариш қобилияти;

5. Тарихий-маданий мерос объектлари, халқнинг урф-одат ва анъаналари хусусида, минтақа ижтимоий-иқтисодий ҳаёти тўғрисида мукаммал чуқур билимга эга бўлиши.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, гид мутахассисларини тайёрлайдиган марказларда маҳорат курсларини ҳам ташкил этишни тавсия қиламиз. Шунингдек, гид мутахассисларини тарихий-маданий объектлар ҳақида маълумотлар бериш, халқнинг маданияти ва урф-одатларини тушунтиришда маҳорати бўйича баҳоланишини таклиф қиламиз. Гид мутахассисларини тайёрлаш марказлари уларнинг маҳоратини қуйидаги мезонлар орқали баҳолашини тавсия этамиз:

- тилни билиш даражасини, унда тарихий ибораларини ишлата олиши;
- тарихий-маданий объектлар, миллий қахрамонлар жасорати, халқнинг урф-одатлари тўғрисидаги умумий маълумотлардан ташқари, қўшимча қизиқарли маълумотларни тақдим эта олиши (манбалар асосида, ривоятлар, афсоналар);

- тарихий-маданий объектлар ҳақидаги маълумотларни тушунтиришда, ўринли ва қизиқарли ибораларни ишлатиши, диққатни тортадиган сўзларни қўллай билиши (биласизларми, энг муҳими ва ҳ.к.);
- тарихий-маданий объектлар, миллий қахрамонлар жасорати, халқнинг урф-одатларини тушунтиришда товуш интонациялари, хатти-ҳаракатлари, мимикаларига мос келиши.

Гид мутахассислари томонидан хорижий ва маҳаллий сайёҳларга тарихий ва маданий объектларимиз, миллий қахрамонларимиз жасоратларини юқорида кўрсатилган мезонлар асосида тушутириб берилса, бизнинг назаримизда, тарихий-маданий туризм бўйича Самарқанд вилоятида мужассам бўлган улкан салоҳиятни рўёбга чиқаришда ва уни халқимиз моддий бойлигининг муҳим манбалардан бирига айлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мухаммедов М.М. Экономическая история Узбекистана: от эпохи Тимура до наших дней. – Т.: «Tafakkur bo'stoni» нашриёти, 2019. – Б.10.
2. Красная С.А. Культурный туризм (просветительская сущность и факторы развития): Автореф. дис. … канд. культурологии. – М., 2006. 26 с.
3. Карпова Г.А., Хорева Л.В. Экономика и управление туристской деятельностью. – М.: «Экономика», 2011. – С. 135.
4. Пардаев М.Қ., Холиқулов А.Н., Раҳимов Ҳ.А. Меҳмонхона хўжаликларида самарадорликни ошириш муаммолари. Монография.-Т.: "Иқтисодиёт", 2013 й., 212-б.